



GAZETA 1991 YIL 21 MARTDAN CHIKA BOSILGAN

# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 26 март, чоршанба № 49 (1474)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҒНАБ КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг Қ А Р О Р И Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясини чақириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади: Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси 2003 йил 24 апрел кунини Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йилдаги ижроси тўғрисида.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида.
3. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
4. «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
5. «Банк сирини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
6. «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқиш).
7. «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервининг хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳақида (иккинчи ўқиш).
8. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
9. Халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш тўғрисида.

Ушбу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлис ваколатига таллуқли бошқа масалалар ҳам киритилиши мўлжалланмоқда.

## Хозирги Тошкент аграр университетини битирган Толиб Абдурахмоновни 1986 йилда Нарпай туманидаги «Ок олтин» хўжалигининг иссиқхонасига ишга юборишди.

Жами 6 гектар майдонга эга иссиқхонанинг имкониятлари катта эди. Бироқ булардан етарлича фойдаланилмади. Шу тариқа йиллар ўтиб бораверди. Жамиятнинг маъмурий-буйруқбозликка асосланган тузуми емирилиб, бозор иқтисодиётига ўтиш бошлангач, мазкур иссиқхона хўжалигида ҳам аҳвол сезиларли танглашиб қолди. Унинг раҳбари Т.Абдурахмонов ва жамоа қийинчиликлар таъсирида тушунликка тушмади. Хар ҳолда ишни юритиб туришди. Бошқа жойларда эса кўпгина иссиқхоналарнинг фаолияти тўхтаб қолди. Бошқача айтганда, кафолатли даромад манбаи ёпиб қўйилди.

— Бундай йўл тутиб бўлмасди, — дейди Толиб Абдурахмонов, — Чунки бундай иссиқхонани қуришнинг ўзи бўлмайди. Шу боис иссиқхонани жамоа хўжалиги тасарруфидан чиқариб, 1996 йилда «Армуғон» акционерлик жамиятига айлантирдик. Янгича меҳнат муносабатларининг ахамиятини хар бир кишига тушунтирдик. Эндиликда фойда ҳам, зарар ҳам ўзимизники бўлишини одамлар англашди. Натижада мулкка, меҳнатга муносабат

ўзгарди. Илгари кун ўтишини пойлайдиганлар энди вақт билан ҳисоблашмай, самарали меҳнат қилишмоқда. Мақсад битта: кўпроқ фойда олиш ва фаровон яшаш.

## Кони фойда



Иссиқхонада помидор, бодринг, лимон етиштириш мураккаб жараён, сермашаққат иш. Бир йилда икки марта ҳосил олишнинг ўзи бўлмайди. Деярли ҳамма иш қўл кучи билан бажарилади. Очқ даладаги деҳқончилик

## Тадбиркорлик — давр талаби

дан фарқли ўлароқ газ, электр қуввати таъминотига ҳам бевосита боғлиқ.

Шунга қарамаздан, жамоа ўтган йили етиштирилган помидор, бодринг, лимон ҳисобига

19,8 миллион сўм соф фойда олишди. Бунинг 10,9 миллион сўми дивидентга ажратилди. Бошқача айтганда номинал қиймати 500 сўм бўлган хар бир акцияга 512 сўмдан дивидент тўланди. Рентабиллик қарийб 40 фоизга етди. Хўжаликда 149 киши ишлайди. Улар барқарор иш ҳақи билан мунтазам таъминланаяпти. Бундан ташқари, қўшимча тўловлар жорий қилинган. Иш ва дам олиш шароити талаб даражасига келтирилган. Сауна, дам олиш хонаси, радио, телевизор бор. Ишчиларнинг ишга келиш кетишига автобус ажратилган.

Жамоанинг даромадини ошириш, қўшимча иш жойлари ташкил этиш мақсадида ўтган йили ёрдамчи хўжаликка асос солиниб, қорамол, ўрдак боқиб киришилди.

Жамиятнинг ривожланиши кишлоққа ҳам фойда келтирмоқда. Унинг даромади ҳисобидан 2001 йилда 10-мактабга 6 та синфхонадан иборат қўшимча бино қуриб берилди. Ўтган йили эса «Қадим» ва «Оқ олтин» кишлоқларида 2 километрдан ортиқ йўللار таъмирланди. Хар йили муҳтож оилаларга ёрдам тариқасида 500 минг сўм ажратилаяпти.

С. РУСТАМОВ.

## ШАРОИТГА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ

Узун «Нон ва нон маҳсулотлари» ишлаб чиқариш шўба корхонасида меҳнат қилаётган 45 нафар ишчи-ҳодимимиз савий-ҳаракати билан ўтган йил давомида 230 тонна нон ва булочка, 36 тонна макарон, 12 тонна қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Шу боисдан ишчиларнинг моддий фаровонлиги тўла-тўқис таъминланмоқда. Хусусан раҳбарият билан ҳамкорликда имзоланган жамоа шартномасида ишчиларимизни ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш ўз ақсини топган.

Унга асосан ишчиларимизга ойига ўртача 25 минг сўм атрофида иш ҳақи тўлаб келаяпти. Иш асосан, 2 сменда олиб борилмоқда. Хар ойда голиб сменга бир ойлик маош миқдоридан мукофот пули берилиши йўлга қўйилган. Ишчилар тўлиқ иш қиймлари билан таъминланган. Уларга бир маҳал бепул иссиқ овқат берилади. «Нон ва булочка», макарон, қандолат маҳсулотлари тайёрлайдиган цехларимизда махсус дам олиш хоналари ишлаб турибди.

Шермат ЗОКИРОВ, Узун «Нон ва нон маҳсулотлари» ишлаб чиқариш шўба корхонаси касаба уюшма кўмитаси раиси.

## КАЛАВА ТАЙЁР МАҲСУЛОТГА АЙЛАНДИ

«Коракўлтекс» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасида трикотаж матоларни тўқиш ва бўяш цехи иш бошлади. Қўшма корхона бундан икки йил муқаддам ишга туширилган эди. Бу ерда жаҳон андозаларига мос калавалар ишлаб чиқарилмоқда. Бултур уч минг тоннадан зиёд шундай маҳсулот тайёрланиб, унинг етмиш фоизи АКШ, Туркия, Россия, Латвия ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинди.

Энди калаванинг катта қисми шу ерда тайёр маҳсулотга айлантирилади. Корхона мато бўяш дастгоҳларини сотиб олиш учун Европа тикланиш ва тараққиёт банкидан бир ярим миллион, тўқиш цехи ускуналари учун эса 963,5 минг доллар кредит олди. Атиги ярим йилда барча технологиялар ўрнатилиб, иккинчи навбат ишга туширилади. Янги цехларда ишлаётган уч юзга яқин ишчи-техник ходимлар туркиялик мутахассислар томонидан ўқитилди.

Корхона иккинчи навбатининг тақдиротида Япониянинг «Мацно» компанияси вакиллари ҳам қатнашди. «Мацно» «Коракўлтекс»нинг учинчи навбати - тайёр қийимлар ишлаб чиқариш цехига дастгоҳлар етказиб беради. Янги цехни Мустақиллик байрами кунигача ишга тушириш кўзда тутилмоқда. Бу ерда беш юз киши иш билан таъминланади. Ушанда «Коракўлтекс»да ишчи ўрни сони мингтадан ошиб кетади.

(ЎзА).

## Имконият ва натижа

Бағдод экспериментал - тажриба пахта тозалай ҳиссадорлик жамияти Фарғона вилоятидаги йирик корхоналардан бири. Корхона 1993 йилдан бошлаб фаолият юритади. Бу ерда ўтган йил 27018 тонна пахта хомашўси қабул қилиниб, шундан 20842 тоннаси қайта ишланди. Маҳсулотнинг 90 фоизи четга экспорт қилинмоқда. Бугунги кунда Бағдод толаси Буюк Британия, АКШ, Белгия, Швейцария, Италия, Жанубий Корея каби хоржий давлатларга етказиб берилмоқда.

Республика «Пахтаसानоати» илмий текшириш институти мутахассислари билан ҳамкорликда янги технологияларнинг жорий этилиши, ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтирди. Тола сифатини жаҳон андозалари талаблари даражасига етказиб берувчи «Х» агрегати, узлуксиз тозалай линияларининг ўрнатилиши ишчилар манфаатдорлигини ҳам оширди. Натижада ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 53 минг сўмга етди.

Биз ишчи-хизматчиларга яратилган шарт-шароитлар билан танишиш мақсадида корхонага келганимизда, унинг раҳбари Рўзали Қаймов соҳа мутахассислари учун Тошкентда ўтказилган республика семинаридан эндигина қайтиб келган экан. У киши бизнинг мақсадимизни тушуниб, дарҳол корхона касаба уюшма кўмитаси раисини чақирди. — Корхонамизда 435 нафар ишчи-ҳодимимиз меҳнат қилишмоқда, — дейди касабақўм раиси Иброҳимжон Мирзабобоев.

## АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАБ

— Жамоа шартномалари 2001-2003 йиллар учун тузилган бўлиб, хар олти ойда икки тараф ҳисоб беради. Ойлик иш ҳақларининг, махсус кийим-бош, захарли ишда ишловчилар учун сут-қатиқ маҳсулотларининг ўз вақтида бериб борилиши каттиқ назоратга олинган. Байрамларда турли хил тадбирлар уюштириб тура- миз. Масалан, янги йил байрами ара- фасида хар бир ишчи-ҳодимларга совғалар берилди. Моддий ёрдам тариқасида 12 минг сўмдан мукофот ажратилди. 8 март байрамида корхонамизда ишлайдиган 66 нафар аёлларимизга бир пиёла чой ташкил этилиб, турли совға-саломлар улашди. Бунинг учун 660 минг сўмлик маблағ сарфланди. Ўтган йилда ишчиларимизга Бухоро, Самарқанд,

Хива каби тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштирилди. 12 нафар ишчи-ҳодим Чимён, Ропқон, Қизилтепа санаторийларида даволаниб қайтишди. Обод маҳалла йилда режаларимиз бундан ҳам катта.

Дарҳақиқат, корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси жорий йилда, қўламазорлаштириш ва ободончи- лик ишларига катта эътибор қарат- моқда. Шу мақсадда, завод ҳуду- дига 6 минг дон терак, 1,5 минг мевали кўчатлар, 1200 туп манза- рали дарахтар экилди.

Бундан ташқари, ушбу йилда кор- хона ўзи жойлашган «Кенегаз» киш- логини ободонлаштириш ва газлаш- тириш ишлари учун маблағ ажрат- ишни режалаштирган. Ҳозирнинг ўзида бунинг учун зарур қўлдан 610 минг сўмлик харажат қилинди. Шу- нингдек, ишчиларнинг маданий ва маърифий билимларини ошириш мақсадида турли газета ва журнал- ларга корхона ҳисобидан обуна иш- лари амалга оширилди.

Энг ибратлиси, корхонада меҳ- нат қилаётган аёлларга алоҳида эътибор берилди. Хусусан, улар туғиш таътилига 5 ойдан чиқши- да. Қолган 2 ой иш ҳақи маъмурият ва касаба уюшма ҳисобидан қопла- нади.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ишонч» мухбири.

## Меҳнат муҳофазаси

## ФОЛИБЛАР РАФБАТЛАНТИРИЛДИ

Маълумки, хар бир меҳнатқаш инсон, унинг соғлиги мустақил Ўзбекистонимизнинг энг баҳо бойликларидан саналади. Шунинг учун ҳам доимо иш ўринлари қайта таъмирланиб, ускуналар янгиланиб боради. Мақсад меҳнат ҳавфсизлигини таъминлашдир. Ўзбекистон металлургия комбинатининг касаба уюшма кўмитаси маъмурият билан имзоланган жамоа шартнома- сида ҳам меҳнат муҳофазасига ба- гишланган 11 моддадан иборат алоҳида боб ажратилган. Мазкур корхонада ҳавфсизлик қоидалари- га амал қилинишини таъминлашда

муҳим аҳамиятга эга бўлган мураб- бийлик ҳаракати яхши ривожлан- ган. Заводга янги ишга келган ёш ишчи кўп йиллик иш стажига эга бўлган тажрибали устозга бири- тиб қўйилди.

Комбинат раҳбарияти ва касаба уюшма кўмитаси яқинда «Меҳнат муҳофазаси буйича энг яхши цех- кўрик-танловининг якунларини кўриб чиқди. Унга кўра, ишлаб чи- қаришда жароҳатланишсиз ишлаб, юқори меҳнат самарадорлигига эришган мартен цехи биринчи ўринга лойик, деб топилди. Меҳ- нат ҳавфсизлигини яхши таъмин-

лаган цех бошлиғи ўринбосари О. Мадумаров, оператор С. Ильченко, таъмирловчилар М. Сухов, Г. Қўшматов, электр устаси М. Асро- куловлар пул мукофотига сазовор бўлдилар.

Ҳодимларга маъмурият ва ком- бинат касаба уюшма кўмитасининг Фахрий ёрликлари тантанали ра- вишда топширилди. Шунингдек, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган цехларга ҳам белгиланган пул мукофоти ва Фах- рий ёрликлар берилди.

Темур ХАЙДАРОВ, «Ишонч» мухбири.

## Ижтимоий ҳимоя

## МЕҲНАТКАШГА МУНОСИБ ТУРМУШ ТАРЗИ

Фарғона вилоят касаба уюшмалари Кенгаши жанговар ташкилотлардан биридир. У ўз атрофида 13 та тармоқ вилоят кўмиталари, 5508 та бошлангич ташкилотни бирлаштирган бўлиб, 720 минг 920 нафар аъзо- си бор.

Кенгаш ўз фаолиятида бошлангич ташкилотларнинг ишчанлиги, об- рўсини, изланувчанлигини кўчатиришга алоҳида ургу берапти. Чунки касаба уюшма кўмитаси қанчалик кучли бўлса, иш жойи шунчалик хавф- сиз, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳимояланиши шунга яраша бўлади. Касаба уюшмалари вилоят Кенгаши раиси Анваржон ЮНУСОВ билан му- хбиримиз Собиржон Рўзиматовнинг суҳбати шу ҳақда бўлди.

— Давлатимиз томонидан юритила- ётган кучли ижтимоий сиёсат замири- да иқтисодий ислохотларни чуқурлаш- тириш, шу асосда халқимиз учун муно- сиб турмуш тарзи, ҳеч кимдан кам бўлмаган фаровон ҳаёт бахшида қилиш манфаатлари ётибди.

Меҳнат муносабатларини жамоа шартномаси орқали бошқариш ижти- моий-иқтисодий ҳимоянинг энг мақбул йўлидир. Айни кунларда 1719 та жа- моа шартномаси, 52 та битим доимий ҳаракатда. Шартнома ва битимларнинг ижроси Кенгаш раёсати мажлислари- да ва пленумларида мунтазам муҳока- мадан ўтказилмоқда.

Айтмоқчиманки, ижро интизомни юқори бўлган жойда муаммолар ечи- мини топаверади. 2000 йилда шартно- маларнинг бажарилиши 91,8 фоиз ба- жарилди. Ишлаб чиқаришдаги хар бир ҳодимнинг моддий манфаатдорлиги 24470 сўмга ошди. Ёки 2001 йилда эса моддий харажат киши бошига 33302 сўмга кўпайган. Жамоа шартномалари- да белгиланганидек, иш ҳақидан қарз- дорликка барҳам бериш хавфсиз иш жойи яратиш, ноконуний ишдан бўша- тишни олдини олиш, имтиёзлардан фойдаланиш масалаларини кўмиталар мунтазам назорат қилиб бормоқда.

Ўтган йил аяна шулар юзасидан бош- лангич касаба ташкилотларида 1329 та текшириш ўтказилди. Аниқланган қонунбузарликлар юзасидан судларга 60 та даъво аризалари киритилиб, 2 миллиард сўм зарар қопланди.

Энгил, мезбел саноати ва коммуна- лаштириш хизмат ҳодимлари тармоқ кўмитаси бошлангич ташкилотларида жамоа шартномалари бандлари ижроси ўрганилганида, талайгина қонунбу- зарликлар аниқланди. Ачинарлиси, ка- саба уюшма ташкилотлари иш берув- чидан ижронини талаб қилиш ўрнига маъ- муриятнинг дастурга айланган. Оқибатда «Фарғона» меҳмонхонасининг ишчиси В. Данильченко ўзига тегишли маошини ололмади, ойлаб сарсон бўлган. Кенгаш аралашганидан кейин 210 минг 147 сўмлик қонуний иш ҳақи унга қай- тарилди.

Соғлиқни сақлаш тармоқ кўмитаси- да меҳнат қонунчилигининг йўлга қўйи- лишида бошлангич ташкилотларнинг фаолияти билан қизиқдик. Натижада Марғилон шаҳар шифохонаси ҳодим- лари Шарофатдон Маматова, Муяссар- хон Урмоновларнинг ижтимоий ҳимо- яси асоссиз чекланаётганлиги маълум бўлди.

болалари бўла туриб, қонунсиз даро- мад солиғи ундирилиётган эди. Нотўғ- ри ушланган 8.682 сўм маблағ эгала- рига қайтариб берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги иш ҳақи тўловларини ўз вақтида амалга оширишга доир қўшим- ча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори Кенгаш тавсияси билан Қурилиш ва қурилиш ашёлари ҳодимлари тармоқ кўмитаси бошлангич касаба уюшма ташкилотларида кўздан ўтказилади. Эътибор ижро интизомини таъминлаш- да бошлангич ташкилот билан иш бе- рувчининг жамоа шартномасидаги маж- буриятларига қаратилади. Касабақўм- лар дивидент ва ойлик маошларнинг тўланиши буйича корхона раҳбарлари- га қатъий талаблар қўймаганликлари боис бу соҳада иш ҳақидан қарздор- лик юзга келганди. Масалан, «Деҳқо- нуқурилиш» компанияси таркибидаги «Бағдод» туман «ХМКК-99» ташкилоти- да 650 минг 887 сўмлик дивидент 1998 йилдан тўланмаётганлиги ошкор бўлди.

Агросаноат мажмуи ҳодимлари тар- моқ кўмитасида ҳам фуқароларнинг моддий манфаатларини кўриқловчи қонунлар талаблари жиддий бўзилма- гани аниқланди. Чунки бошлангич касаба уюшмалари жамоадаги нуфузини бе- риб қўйганди. «Риштон», «Ёшлик» шир- кат хўжалиқлари касаба уюшмаларида ана шундай аҳвол ҳукм суради. Ишчи- лардан М. Маматов, О.Бойқараевлар касабақўм қўлламағач иш ҳақи ва на- фақа пулларини ундириш ҳақида вило- ят тармоқ кўмитасига мурожаат қилди- лар. Кўмита шикоятни тўғри деб топди. Иш берувчилар олдига қўйилган талаб- лар натижа бермагач, фуқаролик суди- га даъво аризалари киритилди.

Маъмуриятнинг чизгидан чиқмайдиган, ишчиларнинг талаб, эҳтиёжларига бефарқ касабақўм раислари хали ора- мизда бор. Кейинги пайтларда фео- лиятнинг сусайтириб юборилганлиги, уст- ав талабларини кўпол равишда буз- ганлиги учун 10 нафардан зиёд касабақўм раиси лавозимидан озод этил- ди. Ёзёвон, Фурқат, Охунбобоев туман касабақўм раислари К. Досимов, С. Аҳмедов, Н. Ҳобибевлар вазифалари- дан бўшатилдилар.

Касаба уюшмаларида ҳуқуқий мада- ниятни ошириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борадаги 2002-2004 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастурига кўра Кенгаш ҳузурида ҳуқуқий хизмат марказимиз ишлаб турибди. Бу ерда ўтган 2002 йилда 3 та ўқув машғулот- лари ўтказилди.

Яъни уларнинг 16 ёшгача ногирон

**Жалолқудук туманидаги Ойимқишлоқ дехқон бозорига қизик манзаранинг гувоҳи бўлди. Хоррижнинг қандолат маҳсулотлари сотилаётган راستада савдо-сотик сўст эди. Ялтир-юлтур қозғаларга ўралган, қутиларга солинган егуликлар қаршида олдингидек харидорлар уйма-ланмасди.**

Шу пайт фикр алмашаётган икки нафар харидорнинг сўхбати кулоғимга чалинди:

— Пахтабод қишлоғидан қатнаб егуликлар харид қилиб тураман, — дейди уларнинг бири. — Рекламасига учиб ўтди куйдим. Кўтарасига 70 минг сўмлик шоколад сотиб олгандим. Савдо устида текширувчилар кўлига тушиб қолдим. Маҳсулотлар могор босган экан. Оқибатда жарима тўлаб, тadbиркорликдан маҳрум этилдим.

— «Юпи»си ордона қолсин — дейди бошқа бир тadbиркор. — Чанқовбосди ичимликлар тайёрлаб сотаман, деб анчагина гамлаб қўювдим. Тафтишда солиқчилар оғирликдан топиб олишди. Лаборатория таҳлилида истеъмолга яроқсизлиги аён бўлди. Шу кунгидек дўконимга кулф тушди.

Бозор рўпарасидаги тadbиркор Дилшодбек Мўйдиновга қарашли қандолатчилик кичик корхонаси эшиги олдида эса харидорлар тирбанд эди. Цех олдида машиналар навбат кутмоқда. Аксарияти Андижон шахридан.

— Қандолат маҳсулотларимиз харидорларга маъқул келяпти, — дейди иш юритувчи Улғабек Исроилов. — Биринчидан хуштаъм, ширадор,

ҳазми енгил. Мухими арзон. Килоси 470 сўмдан сотиляпти. Аслида бир кило-

ёғи мазали бўлиши ўз-ўзидан аён. Шундай бўлгач, ишлаб чиқарилаётган шоколад, пряник, торт, бошқа егуликлар сифатли бўлади-да. Корхонада кунига 50-70 килограмми, ойига 1.5 тонна маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда.

Фойда бор жойда ижтимоий ҳимоя ҳам


**Фахр**

чиқарадиган қўшимча цехлар очиш режалаштирилмоқда. Ана шунда маҳсулот тури 11 хилга кўпаяди. Эътиборлиси, яна 7 та қўшимча иш ўрни яратилади. Негаки, нон маҳсулотлари учун бугдой, шарбатлар учун ширин-шакар мевалар Ойимқишлоқнинг дала ва боғларида етиштирилади.

Бундан ташқари Ёрқишлоқ қишлоғида шу ерда етиштирилаётган кунгабоқар ва бошқа эканлар ҳисобига ёғ ишлаб чиқариш бошланди. Газ чиқиндисидан олтингидек тайёрланадиган кичик корхона дехқонларнинг жонига оро қирапти. «Бунёд» кичик корхонаси хунармандлари қўлидан чиқаётган сочиқлар, салфеткалар, тўшамалар Ташкентнинг супермаркет дўконларида сотилмоқда. «Ойим» ширкат хўжалигининг фойдаланилмаётган биноларида очилган тикув цехи маҳсулот чиқара бошлади. Бу ерга наманганлик, фарғоналик, қўқонлик харидорлар таъриф буюришяпти. Чунки қишлоқ чеварлари тикаётган эркаклар костюм-шимлар, аёллар кўйлаклари, болалар кийим-бошларни хўшбичимлиги, замонавий дизайн, пишиқлиги билан хорижникидан қолишмаяпти.

Қяндин бунён егуликлар елим халтачаларда ва қутиларда харидорларга етказиб берилмоқда. Бугун «Ойимқанд» ёрғини ёпиштирилган ширинликларни вилоят, пойтахтдаги «Жаҳон бозори» пештахталарида кўриш мумкин. Патир, обон нон, музқаймоқ, салқин ичимликлар ишлаб

**Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири.**



Самарқанд шаҳридаги «Кина» ҳиссадорлик жамиятида 447 нафар ишчи меҳнат қилади. Бу ерда асосан 40 турдаги иситиш мосламалари ишалб чиқарилади. Маҳсулотларнинг сифатлиги, фойдаланишда қулайлиги боис харидорлар сони ортиб бормоқда. Шу

боис ҳозирда ишлаб чиқариш цехларини янада кенгайтириш ва қўшимча ишчи ўринларини яратиш режалаштирилмоқда.

**Суратларда: корхона фаолиятидан лавҳалар. Ф.ХИДИРОВ олган суратлар.**

**ЎЗИМИЗНИКИГА НИМА ЕТСИН**

грамм маҳсулотга 425 сўм харажат қилинляпти. Кўрпачиски, устига 45 сўм қўйилляпти, холос. Дўкондорлар эса 500-550 сўмдан савдога чиқаряптилар. Маҳсулотнинг сифати ҳақида гап кетади. Қўшиладиган маҳсулотлар — сут, қаймоқ, асал, қатиқ меъёрида солинади. Инсоф, ҳалоллик бор жойда барака ёғилаверади. Корхонада ойига 1-1.5 миллион сўм атрофида тушум бўлаётганлигининг ҳам боиси шундан.

Бир қўйнинг ортидан минг куй тўяди, дейди-лар. Чорвадор фермер хўжаликлари, шунингдек, шахсий кўрасида қорамол асровчилар корхонанинг доимий мижози ҳисобланади. Умуман, жамоа билан 30 га яқин хонадон ҳамкорлик қилади. Аҳолидан сут, қаймоқ, сариёғ харид қилиниб, қандолат маҳсулотларига қўшилади. Далада ўтлаган говмишларнинг сутни, қатиғи,

қўнгилдагидек бўлади. Корхонада 15 нафар ишчи меҳнат қилаётди. Улар ишига яраша маош олишаётди. Ишчиларга кунига бир маҳалдан бепул иссиқ оқват берилляди. Яна бир қулайлик. Уй бекалари тўй-маърака, зиёфат дастурхонларга қандолат маҳсулотларини шу ердан арзон нархда харид қиллядилар. Абдулфатто Йўлдошев, Ҳабибулло Абдуллаев, Ақромжон Каримов каби ширинпазларнинг кўллари гул. Улар тайёрлаган пиширик ва қандолат маҳсулотларининг бозори чакқон.

Ҳамкорликнинг бозори чакқон. Ҳамкорликнинг бозори чакқон. Ҳамкорликнинг бозори чакқон. Ҳамкорликнинг бозори чакқон.

**ОИЛАЛАР ҲИМОЯДА**

Ромитан туманидаги «Ҳазорбоғ» қишлоқ фуқаролар йиғинида оилаларни ижтимоий ҳимоялаш маркази очилди. Унинг асосий вазифаси иссиқ аёлларни иш билан таъминлашдан иборат.

Асосий эътиборни кам таъминланган оилалардаги хотин-қизларга тикувчи-бичувчилик хунарларни ўргатишга қаратилляпти. Деда қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Р. Эргашева «Туркистон» прессмухбирига: — Айни пайтда ўн беш нафар хотин-қизлар хунар ўрганишда. Туман меҳнат ва иш билан бандлик бўлими уч ой мобайнида уларга стипендия тўляпти.

Р. Эргашеванинг таъкидлашича, хотин-қизларни ўқитиш билан биргаликда тикувчилик цехи ҳам очилмоқда. Қишлоқ фуқаролар йиғини бунинг учун бино ажратди. «Дилором» фермер хўжалиги эса усқуналар билан таъминляди.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири.**

**Маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлиги**

**Вобкент туманидаги пахта тозалаш заводи ўтган қисқа фурсатда ҳавас қилса арзигулик корхонага айлянди. Салкам 500 нафар кишини бирлаштириб турган жамоада ишлар юришгандан-юришмоқда. 2001 йили бу ерда 26 минг 870 тонна хомашё қайта ишлянди. Тола ишлаб чиқариш 9022 тоннага етказилди. 491 тонна момиқ олинди. Техник чигит ишлаб чиқариш режаси ҳам ортиги билан ўддаланди. Шу тариқа завод ахли ўзининг дастлабки мавсумини ёрғун юз билан аяқуляди.**

**ВАҚТИНЧА ИШ ҚОБИЛИЯТИНИ ЙЎҚОТГАН ИШЧИЛАРГА МОДДИЙ ЁРДАМ**

2002 йилги натижалар ҳам чакки бўлмади. Олинган фойда салмоғи 50 миллион 92 минг сўмни ташкил этди. Бу завод ишга туширилган дастлабки йилдаги нисбатан 38 миллион сўмга кўндр.

Энди жамоа ахлининг манфаатларини кўзлаб қилинган ва амалга ошириляётган ишлар хусусида ҳам тўхталасак. Маълумки, ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар йил бошида атрофлича муҳокама этиляб, жамоа шартномасида аниқ ва равшан қилиб белгилаб берилган.

2001 йилги натижалар бўйича корхонада ҳар бир ишчи учун жамоа шартномасида ўрта ҳисобда 145-150 минг сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган эди. Ҳақиқатда бу кўрсаткич 184 минг 610 сўмга етказилди.

Яқунланган йилда жамоа аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга масъуляти билан ёндошилди. Шу боисдан ҳам ҳар бир ходим учун йил охиридаги қўшимча сийловлар билан қўшиб ҳисоблаганда сарф-ҳаражатлар 237 минг 850 сўмни ташкил этди.

— Тола сифатига эътиборни қучайтириб бориш вазифа бултур қатта даромад олишга эришидик, — дейди корхона раҳбари Шариф Ҳикматов. — Шунинг учун ўтган йилда корхонада маданий оқартув ишлари учун 2 миллион 770 минг сўм ажратилган бўлса, амалдаги йилда унинг салмоғини 1,5 баравар кўпайтириш кўзда тутиляётди. Бултур биргина муқофотлаш мақсадлари салкам 10 миллион сўмлик маблағ сарфлянди. Меҳнат шариоити оғир ва зарарли ишларда ишловчи ходимларга қўшимча тарзда 8 миллион 847 минг сўм маблағ ажратилди. Фақатгина байрам совғаларига қилинган харажатнинг ўзи 1 миллион 650 минг сўмни ташкил этди.

Кам таъминланган кўп болали ишчи-хизматчиларининг 8 нафар фарзандларининг суннат тўйлари корхона ҳисобидан ўтказилди.

Меҳнат муқофазаси масаласи ҳам эътибордан четда қолмаётди. Ўтган йилда ана шу мақсадда 7 миллион 810 минг сўм сарфланган фикримизнинг яққол далилидир. Касабақўм фаолларининг таклифи асосида 100 нафардан ортик кишини тиббий куриқдан ўтказиш, уларга дори-дармонлар ажратишни ҳам корхона ўз зиммасига олди.

Вақтинча иш қобилиятини йўқотган касаба уюшма аъзоларига 2,8 миллион сўм пўл ажратилди. Болакайларнинг ёғзи дама олишлари учун қарийб ярим миллион сўм маблағ қўчилди.

Маъмурият ҳисобидан 67 нафар кишига, касаба қўмитаси маблағлари ҳисобидан эса 35 кишига моддий ёрдам уюштирилди. Спорт-соғломлаштириш масалалари учун 70 минг сўм маблағ ажратилди.

Корхонада 400 ўринли ошхона, ҳаммом, кутубхона ишлаб турибди. Дам олиш хоналари, спорт мажмуаси ишчилар ихтиёрига бериб қўйилган.

**Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.**

**БАХМАЛ ШИРИНЛИКЛАРИ**

**Баҳмал туман умумий овқатлиниш ва ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси яқинда олма мураббоси ишлаб чиқара бошлади.**

Ихчам ва чиройли елим пакетчаларга 1-1.5 килограммлик қилиб қадоқланган бу ширинликлар тумандаги 15та мактаб буфетлари ва 5та болалар боғчасига етказиб берилмоқда.

—Баҳмал ширинликлари фақат шугина эмас,—дейди корхона раҳбари Носир Қодиров.—Туманимиз аҳолисини ҳар ойда 4-5 тонна сифатли қанд билан таъминлаб келяпмиз. Германиянинг «Винклер» усқунаси ёрдамида 4-5 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқариляпти.

Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, яқин кунларда наввот, парварда маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бу билан 10нафар киши доимий иш билан таъминлянди.

Шухрат Усмонов раҳбарлик қилаётган цехнинг Р. Қоюмжонов, Д. Баҳорва сингари ишчилари кунлик режа-топширқини ортиги билан ўддалаб, эл дастурхонига сифатли маҳсулотларни тортиқ этишляпти.

Корхонанинг ойлик даромади 300-400 минг сўмлик соф фойдани ташкил этмоқда. Даромадга қараб буромад деганларидек, бу ходимларни ижтимоий ҳимоялашда муҳим омил бўляётди.

**А. АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.**

**Баҳмал туманидаги «Баҳмал» қишлоқ фуқаролар йиғини худудида жойлашган «Сўфи» қишлоғида истиқомат қилувчи 80 ёшли отахон Тўйчи бобо Соипов яқинда хайрли ишга кўл урди.**

**«ОБОД МАҲАЛЛА» БОФИ**

У кўндан бери қаровсиз, ташландик ҳолга келиб қолган ерни ўзлаштириб, боғ барпо этишга киришди. Асрлар давомида сувга ташна бўлиб ётган ерга сув келтириб, 120 туп олма кўчати ўтказди. Мўзбағина боғ яратиш, унга «Обод маҳалла» деб ном берди. Чорбоғ атрофига 800 туп терак, 200 туп жийда ва тол кўчатлари ҳам ўтказилди.

Тўйчи отанинг 4 ўғил, бир қизи бўлиб, бугунги кунда эллиқдан ортик неваро-чеваралари қуршовида бахтли ҳаёт гаштини сурмоқда.

Биргина ўтган йилнинг кузида отахон набиралари кўмағида ҳовлидаги боғдан 5000 килограммдан ортиқроқ олма ҳосили йиғиштириб олиб, салмоқли даромад қилди.

— Тўйчи ота тиниб-тинчимас инсон,— дейди қишлоқ оқсақоли Эшмурод Абдурахмонов. — Ташландик жойда янги боғ барпо этиш бизни гоят хушнуд этди. Шундай отахонларимиз бор экан, қишлоқларимиз янада яхшилиққа бурканиб, эл-юрт дастурхони тўқинчилик, файз-барақага тўлиб бораверади. Тўй-томошаларимиз шакл-шамойили янада сайқаллашади.

**Матбуот сўзининг таъсирчан кучи**

**КАМЧИЛИКЛАР БАРҲАМ ТОПАЯПТИ**

«Ишонч» газетасининг 2002 йил 20 сентябрида «Юқоридан кўрсатма қутишбиди» сарловҳаси остида танқидий мақола эълон қилинганди. Унда Оқолтин туманида Вазирлар Маҳкамасининг оналар ва усқиб келяётган авлод соғлигини мустаҳкамлашга доир қарорларнинг баҳарлишида суст-кашлиқка йўл қўйилганлиги танқид қилинганди. Мана орадан етти ой мудат ўтди. Ҳуш бугун бу борада аҳвол қандай? Газетада кўрсатилган камчилик ва нуқсонларга барҳам берилди-ми?

Оқолтин иқтисодий салоҳияти бўйича воҳадаги йирик туманлардан бири. Аҳолининг аксарияти қишлоқларда истиқомат қилади. Туман аҳолининг яримдан зиёди ёшлардан иборат. Бу ерда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар етарли. Бир вақтингиз ўзида 150 нафар беморни қабул қилиб, тиббий хизмат кўрсата оладиган поликлиника, 205 нафар киши ётиб даволаниш ўринларига эга шифохона, 7 та қишлоқ врачлик пунктлари, 6 та дорихона фаолият кўрсатиб келяпти. Ўтган вақт чоғида аҳолининг сало-

матлигини мустаҳкамлаш, ҳомилалар оналар, чақалоқлар устидан қатъий назорат ўрнатишга эришилган. Худуддаги 10 минг 677 нафар турғиқ ёшдаги аёлларнинг 10 минг 126 нафари тиббий куриқдан ўтказилди. 460 нафар фуқаро вилоят «Она ва бола скрининг»и бўйича текширишга юборилган. Тиббиёт ходимлари саъй-ҳаракати билан оналарнинг бевақт ўлими олди олинган. Аҳоли ўртасида саломатлик муқофазасига доир тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Балогат ёшдаги қизларни турмушга тайёрлаш, уларга истиқболга зарур бўладиган, ҳаётда асқотадиган оналар саломатлигига доир билимларни ошириш ташкил этилди. Туман хотин-қизлар кўмитаси, фуқаролик ҳолатларини қайд этиш бўлими билан ҳамкорликда 227 нафар никоҳ ёшдаги қизлар саломатлиги куриқдан ўтказилиб, касаллик белгилари учраганлари саломатлиги мустаҳкамлаш эътиборга олинган. Дастур доирасида оилада тиббий маданияти ошириш, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, борасида амалий ишларга зўр берилляпти. Ҳомилалар аёлларда учрайдиган кам қонлик, кам дармонлик

ҳолатлари хомийлар мадади ёрдамида бартараф этиляпти. Кам таъминланган, ижтимоий муқофазасига муҳтож оилаларга кўмак кўрсатишмоқда.

Худудда 15 минг 472 нафар 14 ёшга бўлган болалар бор. Уларнинг ҳар бири диспансер назоратида бўлиб, 2 минг 208 нафари соғломлаштирилган. 16 ёшгача 216 нафар ногирон болалар ҳисобига олинмиб, бепул дори-дармон билан таъминляниб келяпти. Уларнинг ўз уйларида сабоқ олиш имкони бор.

Марказий шифохонада бўлганимизда туман «Нуроний»лар жағгармаси раиси Ёдгор Тўлабоевни учратиб қолдик. У ексалар шифохона худудида мўжаз боғ, гулзор яратиш ташаббуси билан чиққанлигини айтди. Ҳозиргача қарийлар 40 туп манзарали, 20 туп мевали дарахтлар, ўтказилди. Айни чоғда бу хайрли иш қишлоқ врачлик пунктларига ҳам кўчган.

Хуллас, оқолтинлик саломатлик посбонлари нуқсонларни бартараф этиб, бу борадаги оқсаларга барҳам беришга жиддий киришган. Бугунги ишлар шундан далолат бериб турибди.

**Н. ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири.**



Агрорасноат мажмуи ходимлари Ҳазорасп тумани касаба уюшма қўмитаси меҳнатқашларни мазмуни дам олдириш ва соғломлаштириш ишларига катта эътибор қаратмоқда. Хусусан ўтган йили бу эзгу ишлар учун 3 миллион 444 минг сўм маблағ сарфлянди.

**Суратда: қўмита раиси Абдулла Матрасулов ва Бахтиёр Ҳасанов галдаги ишлар хусусида фикрлашмоқда.**

**И.ХАСАНОВ олган сурат.**

**КУЛОЛ ШУҲРАТИ**

Бухоролик кулол Замира Жўраева ёдгорлик буюмлари ва чинни идишлар тайёрлаш бўйича Самарқанддаги «Нафис» акцидорлик жамияти билан шартнома тузди. У тайёрлаган ёдгорлик буюмлари «Ташаббус - 2003» вилоят танловида яши баҳо олди.

Бундан чорак аш муқаддам Самарқанд вилоти Пастдором туманида туғилган З. Жўраева Бухорога келин бўлиб тушганди. У дастлаб кулолчилик санъатини мустақил ўрганиб, шарқ эртаклари асосида ёдгорлик буюмлари ясай бошлади. Кейинчалик у Ташкентдаги таниқли уста Шахноза Муминовга шогирд тушди. Айни пайта З. Жўраева Бухородаги та-

ниқли сопол усталаридан хисобланади. У тайёрлаётган буюмлар Бухорога келувчи меҳмонларда катта қизиқиш уяғатмоқда. Кулол шарқ эртаклари асосида минг турдан зиёд сопол ҳайкалчалари тайёрламоқда. Эндиликда бу буюмларни учинидан тайёрлашга киришди.

— Кўпчилик усталар Бухоронинг лоийдан чинни буюмлар тайёрлаш мумкин эмас деб хисоблашарди, — деди З. Жўраева. — Бирок Самарқандлик ҳамкасбларим бунинг иложини топилди. Бунинг учун тулпор таркибига каолинни кўпроқ қўйиш керак экан.

**«Туркистон» прессы.**

**«Ишонч» фoш этади**

**ЯШИРИЛГАН ДАРОМАД**

**давлат хазинасига ундирилди**

эса 25,3 миллион сўмлик даромад яширилганлиги маълум бўлди. Оқибатда улар қилмишларига яраша молиявий жарима билан «сийлони». Боз устига корхона қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озоод этилган бўлсада, ўз фаолияти давомида харидорлардан ноқонуний йўллар билан 44,1 миллион сўм қўшилган қиймат солиғини ундириб олган.

Улар фаолияти хар томонлама синкволик билан ўрганилганда бухгалтерия хужжатлари билан Қарши шаҳар давлат солиқ инспекциясига тақдим этилган ҳисоботлар ўртасида катта фарқ борлиги ўсбатлади. Пироваврида давлат бюджетига ҳисобига солиқлар ва тўловлар бўйича салкам 311 миллион сўм қўшимча хисобланди. Айни пайтда хар иккала

ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Фуқаро Бахтиёр Хусановга Қарши туман Кат қишлоқ фуқаролар йиғинидаги Янгибоғ қишлоғида юридик шахсини ташкил этмаган ҳолда фаолият кўрсатишга рўхсат берилган эди. Хусусий тadbиркор ўтган йили бажарган курилиш монтаж ишлардан 10,8 миллион сўм даромад қилди. Лекин бу ишнинг фаолият турига кирмасди. Шундай бўлсада ноқонуний йўллар билан махсус лицензиясиз автохизмат кўрсатиш билан ҳам шугулланган. Ачинларли қўшилган қиймат солиғи солинадиган товарларни юклаб жўнатиш жараёнида ҳам солиқ қонунчилиги бузилган. Хусусий тadbиркор ўз фаолияти давомида назо-

рат касса машинаси хизматидан бирор марта ҳам фойдаланмаган. Бу билан Вазирлар Маҳкамасининг назорат касса машиналарини мажбурий қўллаш тўғрисидаги 621-сонли талабларига зид иш юритган. Шунга ўхшаш ҳолатлар афсуски, бошқа тadbиркорлар фаолиятида ҳам учраб турибди. Мақсадимиз барча соҳада қонун устуворлигини таъминлашдир. Шундай экан, амалдаги қонунларга амал қилиб фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналари албатта раванқ топади. Ноқонуний даромад эса буюрмайди.

**Қ.ОЛЛОЁРОВ, Қашқадарё вилоти давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи.**



### Қонун барчага баробар ЎЗ ИШИГА ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар, Ёшлик кўчасида истикомат қилувчи уруш ва меҳнат фахрийси, I-гурӯх ногирони Эргаш Зокиров томонидан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси Марказий кўмитасининг раиси номига ариза келиб тушди. Унда Каттақўрғон шаҳар марказий шифохонаси Туғруқ комплексига акушер гинеколог вази-фасида ишлаётган ўғли Раимберди Эргашевнинг ноқонуний равишда аёллар маслаҳатхонасига ишга ўтказилганлигини маълум қилиб, адолатни тиклашда ёрдам беришни сўраб мурожаат қилганди.

Марказий кўмита томонидан Р.Эргашев фаолиятига оид ҳужжатлар билан танишиб чиқилганда, иш берувчи томонидан Ўзбекистон Меҳнат Кодекси талабларига тўлиқ амал қилинмаган ҳолда қабул қилинганлиги аниқланди.

Р.Эргашев Каттақўрғон шаҳар тиббиёт бирлашмасининг 2000 йил 25 сентябрдаги буйруғи билан беморни асл ҳолатини баҳолай олмаганлиги учун унга 30 фоиз жарима солинган. Шифокор айнан худди шу камчилиги учун туғруқ комплекси акушер гинеколог вази-фасида туғруқ комплексининг 2001 йил 19 мартдаги буйруғи билан «Аёллар маслаҳатхонаси»га ишга ўтказилган.

Иш берувчи томонидан Р.Эргашевга нисбатан интизомий жазо чораси бевосита ноҳужия хатти-ҳаракати учун иккита интизомий жазо берилган. Қонунда ходимни интизомий жазо сифатида бошқа ишга ўтказиш кўрсатилмаган. Ундан ташқари интизомий жазо чораси бевосита ноҳужия хатти-ҳаракат аниқланганда кейин узоғи билан бир ой ичида қўлланиши керак. Агар ходим бошқа доимий ишга ўтказилмаган бўлса, албатта унинг розилиги олиниши зарур.

Р.Эргашевга интизомий жазо чораси қўллашда қонунбузарчиликка йўл қўйилганлиги тўғрисида Самарқанд вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, Каттақўрғон шаҳар марказий шифохонаси ва туғруқ комплексининг бош врачларига камчиликлар тушунтирилди ҳамда Р.Эргашевни ўз вази-фасига тиклаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Марказий кўмитанинг аралашуви билан Р.Эргашев ўз ишига қайта тикланди.

Карим МУХТОРОВ,  
хуқуқшунос.

### ҲЕЧ КИМ ЭСДАН ЧИҚМАДИ

— Наврўз элимизнинг энг улуг ва энг азиз байрамларидан ҳисобланади. Бу йилги байрамга вилоятимизда ҳар томонлама пухта тайёр-гарлик кўрилиб уюшқоқлик билан ўтказилаётди. Президентимиз 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилганликларига вожада каттагина ободонлаштириш ва кўчаларнинг аширишида асос бўлди.

#### Савоб

Барча шаҳар ва кичик шаҳар ва гузарлар ободонлаштирилди. Бу йилги байрам тантаналари Қарши от-чопарида ўтказилаётганлиги билан ҳам фарқланади. Айём-гача отчопарда катта тайёр-гарлик тадбирлари олиб борилади. Ҳар бир туман вакиллари ўзлари учун ажратилган жойини байрамона жиҳоз-ладилар. Тантана кунларида халқимизнинг азалий ўйин-ларидан бўлган миллий кураш, улоқ-қўпқари, фольклор-этнография ўйинлари намойиш этилди. Солинганларга касабга уюшмалари вилоят Кенгаши номидан совғалар улашилди.

Касабга уюшмалари вилоят Кенгаши раёсат йиғилиши қарори билан меҳнат жамоаларида Наврўзнинг юқори савияда ўтказиш бўйича ўз тадбирларини тузиб чиққанликлари умум-халқ байрамни кўтаринчилик билан ўтишини таъминлади.

Ҳар бир касабга уюшма жамоаси «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, хотин-қизлар кўмиталари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Наврўз», «Нуроний», «Маҳалла», «Соғлом авлод» сингари жамағармалар ҳамкорлигида

Наврўз байрамини тайёр-гарлик кўрдилар.

Касабга уюшмалари вилоят Кенгаши вакиллари жойларда бўлиб Обод маҳалла йилида муҳтож қариялар ва меҳнат фахрийларига, ногиронлар, кам таъминланган оилалар, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари, ҳарбий ва чегара қўшинларида бўлиб, мурувват ёрдами кўрсатдилар. Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернат тарбияланувчиларига 120 минг сўм, ногирон ва қарияларга 35 минг сўмлик совға-саломлар тайёрладилар. Касабга уюшмалари тармоқ кўмиталари ана шу мақсадлар учун 300 минг сўм маблағ ажратди.

Ёшларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда спортнинг ўрни беқиёсдир. Байрам кунларида турли спорт мусобақаларининг ўтказилиши ёшларни янада чиниктирди. Ғолиб жамоаларга касабга уюшмаси вилоят Кенгаши совринлари топширилди. Шунингдек, касабга уюшмалари вилоят кенгаши ҳамда тармоқлари томонидан байрам тадбирлари ҳамда ёрдамга муҳтожларга жами 40 миллион сўм маблағ ажратилди.

Воҳамизда ўтказилган барча байрам тадбирларида касабга уюшмалари вакиллари фаол иштирок этидилар. Наврўз тантаналари воҳамизда давом этилди.

**Яраш НОРОВ,**  
**Касабга уюшмалари**  
**Кашкадарё вилоят**  
**кенгашининг ташкилий**  
**ишлар бўлими**  
**мудир.**

Тошкентда Халқ Университетлари не-мис уюшмаси Халқ-аро алоқалар институти (ИИЗ/ДВУ)нинг Марказий Осиёдаги ваколатхона биноси очилди.

### МАРКАЗИЙ ОСИЁДА КАТТА ЁШЛИЛАР ТАЪЛИМИ

2002 йил августда Германия томонидан ташкил этилган ушбу ваколатхонанинг олдида кўйилган асосий мақсади катта ёшлар таълими ғоясини кенгайтириш ва бунга кенг омманга жалб этишдан иборат. ИИЗ/ДВУнинг Марказий Осиё билан иш олиб боришида Ўзбекистон билан келишуви бу ғояни турли минтақаларда коллежлар базаси негизда ўқув ишлари олиб бориш орқали амалга оширди.

Ваколатхона билан тузилган шартномага кўра Германия томони Тошкент шаҳар Демография, меҳнат бозори ва аҳолини иш билан таъминлаш бошқармаси қошидаги ўқув марказининг моддий негизини таъминлаштиришга ёрдам берди, деди Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирилик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Соҳибжон Алиев. Уларнинг ёрдами билан ўқув марказларида 2 та ўқув синфи - компьютер ва тикувчилик синфлари замонавий технологиялар билан таъминланди. Бу синфларда ҳар йили мингга яқин ишсиз фуқаролар иш билан таъминланмоқда.

### ХОДИМЛАР МИНГТАГА КЎПАЯДИ

Жорий йилда «Андижонкабел» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси ўз маҳсулотлари экспортини уч баравар кўпайтиришни мўлжалламоқда. Утган йили Андижонлик кабелсозлар Россия, Қозғоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва бошқа мамлакатларга икки миллион долларлик маҳсулот сотишди.

«Қўшма корхона 2001 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда, деди маҳсулотлар сифати бўйича масъул Соҳиб Миножев. «Андижонкабел» АЖ ва Самардаги «Фариал» компанияси унинг муассислари ҳисобланади. Корхонада асосан импорт ўрнини босувчи ва экспортга чиқаришга мўлжалланган маҳсулотлар тайёрланади. Қўшма корхонада юз турдан зиёд ка-

бел-сим буюмлари, шунингдек қора ва рангли металлдан металл турлар ишлаб чиқарилади.

С.Миножевининг таъкидлашича, қўшма корхона йилдан-йилга ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириб бормоқда. Масалан, утган йили 4 миллиард маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил бу кўрсаткич икки баравар оширилади. Бу айниқса, иш билан бандлик муаммосини ижобий ҳал этишга имкон беради. Хусусан, 2001 йилда қўшма корхонада 300 га яқин киши ишлаган бўлса, ҳозирги кунга келиб улар сони минг нафарга етди. Режадаги ишлар амалга охша, йил охиригача қўшма корхона ходимлари сони икки минг нафарга етказилади.

«Туркистон -пресс».

#### Тадбир

### ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИМИЗ

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривож-лантириш, бу соҳанинг соғлом авлодни камол топти-ришдаги аҳамиятига алоҳида эътибор берилмоқда. Анъ-анавий тарзда ўтказилаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақалари фик-римиз далилидир. Президентимиз ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамағармасининг тузил-ганлиги эса нур устига аъло нур бўлди.

Таъкидлаш лозимки, жисмоний тарбия ва спортни ом-малаштириш, бу орқали соғлом авлод тарбиясига муно-сиб хисса қўшишда Фарғона вилоят касабга уюшмалари алоҳида ўрин тутиб келмоқда.

— Бундай тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда спорт кўмитаси, «Маҳалла», «Болалар спортини ривож-лантириш» жамағармалари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқдамиз, — дейди вилоят касабга уюшмалари Кен-гаши раиси Анваржон Юнусов. Вилоят ҳокимлиги ва касабга уюшмалари вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда кўни-кеча ташкил этилган кросс-эстафета мусобақаси-да 2000 нафардан зиёд киши иштирок этди. Касабга уюшмалари ташаббуси билан Қўқон шаҳар меҳнаткаш-лари ўртасида ташкил этилаётган тармоқлараро спарта-кида ҳам ишчи-хизматчиларни спортга ошно этиш, шу билан бирга ўзаро дўстлик ришталарининг мустаҳкам-ланиши, тажриба алмашқаш иштирок этди.

Дарҳақиқат, вилоят касабга уюшмалари турли спорт тадбирларини ташкил этиш, мусобақаларга айниқса болаларни жалб этиш борасида диққатга сазовор ишлар-ни олиб бормоқдалар. Хусусан, «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» шиори остида бўлиб ўтган оилавий спартакиаданинг якуний босқичида 12 нафар оилавий жамоалар спортнинг баскетбол тўлини масофадан туриб халқга аниқ тушириш, армрестлинг, арқон тортиш, узун-ликка сакраш ҳамда эстафета турлари бўйича маҳорат-ларини синаб кўрдилар.

Беллашувларда Охунобоев туманидаги «Халқобод» маҳалласида яшовчи Оризевлар оилавий жамоаси ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрганлигини намойиш этди. Арқон тортиш, армрестлинг ва эстафетада уларга тенг келадигани топилмади. Бағдод туманидаги Ултрама маҳалласилик Йилғиталиевлар оиласига иккинчи ўрин на-сиб этди.

Мусобақанинг ғолиб ва совриндорларига медаллар топ-ширилди. Шунингдек, улар хомийлар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Оилавий спартакиаданинг қолган иштирокчилари ҳам назардан четда қолмади. Уларнинг барчасига спорт фор-малари топширилди.

Мухаббат УРМОНБЕКОВА,  
ЎЗКУФК матбуот котиби.

### Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

«Мароканд» ширкат ҳўжалиги Самарқанд туманидаги йирик ҳўжалиқлардан бири. Ишлаб чиқаришининг умумий аҳоли ҳам, кишлоқ одамларининг турмуши ҳам ёмон эмас. 47-мактабнинг 11 хонали қўшмича биноси ҳўжалик ҳисобидан қуриб битказилаётгани, битта кишлоқ врачлик пункти қурилаётгани фикримизнинг далилидир. Бошқа мисоллар ҳам бор.

Бирок натижалар синчковлик билан таҳлил этилса талай муаммолар кўзга ташланади.

### ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ НЕГА БАЖАРИЛМАДИ?

Олдиндан айтиб қўя қолайлик: айб ширкат ҳўжалигида эмас. Чунки гап фақат бир ҳўжаликка эмас, бутун кишлоқ ҳўжа-лик тизимига тааллуқли эканлигини унутмаслик керак.

Ҳўжалик ўтган йили давлатга ғалла сотиш шартномавий режасини 208 фоизга, пиллани 117 фоизга, узумни 202 фо-изга, сабзавотни 216 фо-изга бажарди. Бундай кўрсаткичга эришган ҳўжаликда қозон ҳам, чўмич ҳам мой устида бўлиши керак эди. Аммо масалага бошқа томондан ёндошсангиз, қўллаб му-аммоларга дуч келавера-сиз.

Меҳнаткашларнинг манфаатларига пунтур ет-ган жойда унумдорлик, самара, ривожланиш бўлмайди. Бу, энг аввал-ло, меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ. Афсуски, мазкур ширкат ҳўжалигида 18 миллион 214 минг сўм иш ҳақи, 227 минг сўм ижтимоий суғурта бадали ҳанузгача тўланмаган. Хисобчининг айтишича,

меҳнатни муҳофазалаш, маданият ва спорт тадбир-лари учун жамоа шартно-масида кўзда тутилган маб-лағ ажратилмаган. Ҳолбу-ки, Меҳнат Кодекси, «Меҳ-натни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда иш берувчи ўзининг молиявий аҳолидан қатъий назар мазкур маблағларни ажра-тиши зарурлиги белгилаб қўйилган. Лекин қонун та-лаблари нега бажарилма-пти? Бунинг сабаблари, бизнингча, қуйидагилардан иборат.

Биринчидан тайёрлов ташкилотлари деҳқонлар олдидagi ўз мажбуриятла-рини бажармапти. Марокандликлар ўтган йили 4,1 тонна ўрнига қарий 5 тонна пилла етиштиришди. Бирок Сама-рқанд туман «Пилла» шир-кати пиллачилар топши-рган маҳсулот учун пилла ҳанузгача тўлашгани йўқ. Янги пилла мазмуси эса кун сайн яқинлашапти. Ҳўжалик раҳбарлари пил-лачилар олдига хижолат. Ахир, қурт уругини тарқа-тишда пиллачиларнинг ҳақли саволларига жавоб беришининг ўзи бўлмайди.

Дебитор қарзлар мавжуд-лиги ишининг ривожига жиддий ҳалақат берапти, десак янглишмаймиз.

Иккинчидан, амалдаги қонунларда деҳқон етиш-тирган маҳсулотнинг шартномада белгиланган-данан ортиқ қисми 100 фоиз унинг иктиёрида қолдирилиши қатъий бел-гилаб қўйилган. Лекин ҳўжаликда давлатга 660 тонна ўрнига 1375 тонна ғалла сотилган. Ҳўжалик бош иқтисодчиси Б.Сафар-овнинг эътирофича, юқоридан шундай топши-риқ бўлган эмиш. Бу ҳолда, деҳқоннинг ман-фаатини ким ҳимоя қила-ди? Аслида ширкат ҳўжа-лиги ҳам хусусий мулкчи-ликнинг бир шакли эмас-ми? Нега унинг фаолиятига аралашавериш ке-рак? Қонун ва шартнома мажбуриятини бажаришни талаб қилишининг ўзи етарли эмасми?

Пудрат ва контрактация шартномаларида тайёр-ловчи ҳуқуқлари устувор белгиланиши учинчи са-бабдир. Вазирлар Маҳма-масининг мажлисида Пре-зидентимиз бу ҳолга жуда тўғри баҳо берди. Шарт-нома мажбуриятни бажари-лмагани учун жавобгар-лик, айниқса, тайёрлов-чининг қай тарзда, қайси муддатларда жавоб бери-ши аниқ баён қилинма-ган. Кишлоқ ва сув ҳўжа-лиги вазирилик, адлия идоралари бу турдаги шартномаларни мазмун ва моҳият нуқтан назардан қайта кўриб чиқадиган фурсат етди, шекилли.

Р.ҚУРБОНОВ,  
«Ишонч» мухбири.

Кредит уюшмалари жаҳон кенгаши прези-денти Артур Арнолд етак-чилигидаги кредит уюш-малари жаҳон кенгаши ва Орегон штати (АҚШ) кре-дит уюшмаси вакиллари кредит уюшмалари ту-зишга қўмақлашши мақ-садида Ўзбекистонга кел-ди. Ташриф чоғида ушбу ташкилотнинг «Ўзбекис-тоннинг кишлоқ жойла-рида кредит уюшмалари жамағармаларини тест-лаштириш» лойиҳаси мо-ниторинги ўтказилди.

### ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАРГА СУЯНИБ

Меҳмонлар Бош ва-зирнинг биринчи ўрин-босари, Ўзбекистон иқти-содийет вазири Рустам Азимов, Марказий банк бошлиғи Файзулла Мул-лажоновлар билан учра-шиб, республикада кре-дит уюшмаларининг мил-лий тизимини яратиш бўйича эришилаётган ютуқлар ва муаммоларни муҳокама қилишди.

Кредит уюшмалари жаҳон кенгашининг Ўзбекистондаги ваколат-хонаси республикада кредит уюшмаларини ту-зиш соҳасида маслаҳат-лар бериш билан чеklangиб қолмай, балки кишлоқ жойларда кредит уюшмалари тузиш бўйи-ча лойиҳаларни амалга оширади.

«Туркистон - пресс».


### ТЕЖАЛГАН ГАЗ АҲОЛИ ХОНАДОНИГА

Хоразм республикамизнинг газлаштириш юқори ўрин-ларини эгаллайдиган вилоятдан биридир. Мавжуд 612 на-фар аҳоли истикомат жойларининг 609 тасида истеъмолчи-лар табиий газдан фойдаланмоқдалар. Шунингдек, вилоят-даги 3461 халқ ҳўжалиги объектларига ҳам газ етказиб берилмоқда.

«Хоразмгазтаъминот» шўъба корхонаси маъмурияти аҳоли хонадонларини табиий газ билан мўътадил таъминлаш мақ-садида катта тайёргарлик ишларини бажардилар. Шунин-гдек, хонадонларга газни узлуқсиз етказиб бериш учун иш-лаб чиқариш корхоналари ва улгурчи истеъмолчилар оғо-лантирилиб тежалган газ аҳоли хонадонларига йўналтирил-моқда.

Аҳоли хонадонларида газдан фойдаланишни яхшилашда газ ўлчагини асбоблари муҳим рол ўйнамоқда. Белгиланган дастурга асосан бу тадбир вилоятда жадал ўтказилиб, шу кунгача 189687 хонадон керакли ускуна билан таъминланди.

Ялғош САРИЕВ,  
«Ишонч» мухбири.



Notre Dame

### ЁШЛАР - НАРКОТИКЛАРГА ҚАРШИ

Гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш орқали гайритабиий, ўткир ҳис-сийётларни бошдан кечириш истаги дахшатли фожега олиб келиши мум-кин. Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги санаят-қурилиш коллежида бўлиб ўтган семинарда захарли «оғу» билан «ҳазиллашиш» нинг аянчли оқибатлари хусусида сўз борди. Тад-бирни «Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат хайрия жамағармаси туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этди. Семинарни наркологлар, шифо-корлар, соғлом турмуш тарзини тар-ғиб қилувчи мутахассислар олиб бор-ди.

Семинар бошланишидан олдин унинг иштирокчилари - коллежда тах-сил олаётган 900 дан ортиқ йигит ва қиз-бир неча ҳужжатли фильмини то-

моша қилди. Ёшлар наркобизнес - фойда олиш йўлида ҳар қандай қабих-ликлардан қайтмайдиغان «ёмонлик ин-дустрияси» эканлигига ишонч ҳосил этди. Уқувчилар ўз кўзлари билан нар-котикларни истеъмол қилиш нималар-га олиб келишини кўрди. Йўқотилган соғлиқ, поймол бўлган ҳаёт, яқин одамларнинг қайғу ва ситамлари, но-гирон болаларнинг дунёга келиши - гиёҳвандликка ружу қўйган киши ана шундай ҳақ тўлайди.



Статистика маълумотларига кўра, Марказий Осиё минтақасида ОИТС билан касалланган кишиларнинг аксари-яти - бу наркотикларни инъекция йўли билан истеъмол этувчи ёшлардир. Вилоят ОИТС маркази мутахассислари семинар иштирокчиларига ба аср ва босидан қандай қилиб ҳимояланиш

мумкинлиги ҳақида сўзлаб берди. Ёш-лар фақат ўзлари учунгина эмас, бал-ки келажак авлод учун ҳам соғлом тур-муш тарзини олиб бориши керак.

Маърузачилар йирилганлар ичида аноним сўров олиб борди, йигит ва қизларни қизиқтирган саволларга жа-воб берди. Семинар сўнгида эса унинг иштирокчилари «Соғлом авлод гунчалари» театр-студиясининг ёш актёрлари томонидан долзарб мавзуда тайёрланган томошани кўрдилар.

Ушбу семинар «Соғлом авлод учун» жамағармаси томонидан жорий йилда ташкил этилган дастлабки тадбирдир. Яқин кунларда ёшлар билан бундай учрашувлар республикамизнинг аксарият мактабларида, коллежларида, лицей ва олий ўқув юртрларида бўлиб ўтади. (ҲА).

# АТЛАНТАДАН КЕЛТИРИЛГАН МЕДАЛЛАР



**Америка Қўшма Штатларида ташкил этилган Атланта кубоги халқаро турнири ўз нуфузи жиҳатдан йирик мусобақалардан бири саналади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон каратэчилари Ватанимиз шарафини муносиб химоя қилиш учун ҳар йили баҳорнинг илк кунларида океан ортига отланишади. Бор маҳоратини майдонда кўрсатишади.**

Ўндан зиёд мамлакат вакиллари иштирок этган Атланта кубогида Ўзбекистон каратэчилари умумжамоа ҳисобида АҚШ спортчиларидан кейин иккинчи ўринни қўлга киритди.

Ғолиб спортчиларимиз кунга кеча олис сафардан қайтиб келишди. Етти талта олтин, битта кумуш ва иккита бронза медалларини қўлга киритган ёш каратэчиларимизни Тошкент

аэропортида ота-оналар ва мамлакатимиз спорт жамоатчилиги кутиб олди.

- Айни шу дамда юзими эруғ қилган чемпионлар номини бирма-бир тилга олгим келади, дейди республика каратэ миллий федерацияси президенти, қора белбоғ 6-Дан соҳиби Нурхон Нафасов шогирдларини бағрига босар экан. - Муродхўжа Баширхўжаев, Аб-

босхон Хусанхонов, Акбар Воҳидов, Жасур Қайюмов, Бунёд Абдуллаев, Жалолиддин Нуруллаев ва Ҳамза Қалонов. Орадан бир-икки йил ўтгач, улар катталар ўртасида ҳам чемпионлик унвонини қўлга киритишига ишончимиз комил. Ўсмирларимизнинг ўзга элларда юртимиз обрўини ошираётгани мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилётганидан, деб биламиз.

(ЎЗА)

# СПОРТ — СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

## ҚИШЛОҚДА ХОТИРА ТУРНИРИ

**Парпи ота Хўжаев номини Ғурумсарой қишлоғида ҳурмат билан тилга олишади. У уста пахтакор, тажрибали дехқон, зукко раҳбар эди. Халқ депутати сифатида босиб ўтган ҳаёт йўли ҳам ибратлидир.**

«Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамағармасини ташкил этиш тўғрисида»ги республика Президентининг Фармонини ҳаётга татбиқ этаётган Поп туманидаги 13-Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Б.Усмонов яқинда бир хайрли ишга қўл урди. Обод маҳалла йили ҳамда марҳум Парпи ота Хўжаев хотирасига бағишлаб бокс бўйича 1987-1988, 1989-1990 йилда туғилган ўсмир ва ёшлар ўртасида мусобақа ўтказилди.

Хотира турнирида Қозоғистон, Озарбайжондан келган меҳмонлар, Тошкент, Қўқон, Наманган, Марғилон шаҳри, Поп, Чуст, Давлатобод туманлари, Ғурумсарой, Санг, Халқобод қишлоқларнинг 12 жамоасидан 186 нафар боксчи ўзаро куч синашди.

Турнирда 28 нафар чарм қўлқоп соҳиблари ўз вазнлари бўйича ғолиб бўлдилар. З.Тенгрикулов, Б.Аметов, Д.Муталов, Х.Дадабоев, Ш.Носиров каби боксчилар маҳорати мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Ғолиблар фахрий ёрлик ва совғалар билан тақдирланди. Парпи ота Хўжаев фарзандлари Абдурахмон, Тўхтасин, Баходир, Рустамжонлар ғолибларга, мураббий ва ташкилотчиларга миннатдорчилик билдириб, ўзларининг ҳомийлик совғаларини топширдилар.

**Мўйдин МАТКАРИМОВ, Наманган вилояти.**

**Чехрасидан нур, самимият балкиб турган бу камтарин, дилкаш инсонни Қорақўлда кўпчилик яхши танийди. Ёши олтимышларга яқинлашиб қолган бўлса-да, толиқиш, чарчаш нималигини билмайди. Хали ҳам ёшлардек, навқирон, гайратшижоатли.**

...Бобоқул ака - қишлоқ фарзанди. Унинг болалик йиллари сўлим Дабққи қишлоғида кечди. 24-ўрта мактабни тугатгач йигитлик бурчини ўташ учун армия хизматида отланди. Сўнг олийгоҳда сиртдан ўқиди. Тез орада олий маълумотли технолог дипломига эга бўлди. Узоқ йиллар даврада таъминот идорасининг Қорақўл туман бўлимида самарали меҳнат қилиб, оддий ходимликдан бўлим бошлиғи даражасигача бўлган йўлни босиб ўтди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари катта иш тажрибасига эга бўлган бу етук мутахассис ҳаётда муҳим из қолдирди. Истиклол яратган имкониятлардан фойдаланиш истаги уни бир лаҳза бўлса-да тинч қўймади. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ўз олдига

мақсад қилиб қўйган Бобоқул ака «Чевар» кичик қорхонасини ташкил этди. Аввалига иш бироз қийин кеч-

Туман ҳокимлигида бўлганимизда Бобоқул Йўлдошевнинг хайрли, савобли ишлари ҳақида сўзлаб беришди. Айниқса, у кишининг қишлоқда болалар спортини ривожлантиришидаги жонкуярлиги тўғрисида алоҳида таъкидлашди.

- Айни вақтида келиб-

севган спорт тури билан машғул бўлаётганлигининг шохиди бўлди.

Бир зум теннис мусобақаларини зимдан кузатдик. Чаққон ва чиройли ҳаракатлари билан барчани ўзига ром қила бошлаган Бобоқул акага қаршилиқ кўрсатётган ёш йигит, ниҳоят мағлуб бўлганлигини тан

## Ибрат

спортини, оилавий спортни йўлга қўйиш ҳақида қайғурмаслигимиз керак?! Ахир, бундан нафақат биз, балки бутун жамият ютади.

Теннис, футбол, волейбол, шохмот, шашка мусобақаларида қишлоқ спортчилари тилга тушиб бормоқда. Бугун Тўлқин Қорғғидиев, Илёс Соҳибов, Эркин Бердиев, Исом Соҳибов сингари футболчилар, Ҳамид Соҳибов, Элмурод Баротов, Рустам Соҳибовга ўхшаган теннисчиларни туманда қўллар танийди. Бобоқул аканинг таъкидлашича, энди қишлоқдошлари ўз омадларини вилоят ва республика миқёсидаги мусобақаларда синаб кўриш ниятидалар. Дарвоқе, махсус лойиҳа асосида қишлоқда янги замонавий спорт мажмуасини барпо этилиши эса бу борадаги ишларни янада жонлантириши, шубҳасиз.

**Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» муҳбири.**

## ТЕННИС КОРТИ — ТАДБИРКОРДАН СОВҒА

ди. Чунки овозаси бутун дунёга таралган қорақўл териларига ишлов бериб, улардан сифатли ва бежирим маҳсулотлар тайёрлаш осон иш эмасди.

Янгича технологик жараёнларни ўзлаштириш, маҳсулот дизайнига алоҳида эътибор қаратиш, сифат даражасини яхшилаш аста-секин жамоа доврагига довраг қўшди. Янги иш ўринлари яратилиб, қорхонада ишловчилар сони ҳам тўхтовсиз ошиб борди. Бугун бу ерда 40 нафардан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда. Уларнинг ойлик маошлари 45-50 минг сўмни ташкил этмоқда.

сизлар, ҳозир Бобоқул акани тўғри теннис кортидан топасиз, - деди туман ҳокимининг биринчи муовини Муҳиддин Фатхуллаев бизни кузатар экан.


Ҳоким муовини ҳақ бўлиб чиқди. Қишлоққа етиб келганимизда кенг асфалт йўл ёқасидаги шинам уйингоҳ, Бобоқул ака ўзининг шахсий маблағлари ҳисобига қурдирган кўркам теннис корти спортчию муҳлислар билан гавжум бўлиб бораётган экан. Айтишларича, иш соатлари тугади, дегунча қишлоқнинг барча ёшлари шу ерда тўпланишаркан. Дарҳақиқат, ҳар ким ўзи

## ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ

Маълумки, Ўзбекистон терма жамоаси 2 апрел куни Белорус терма жамоасига қарши сафарда ўртоқлик учрашуви ўтказди. Шу муносабат билан 28-март куни Москва шаҳрида асосан легионерлар иштирокида ўқув-йиғини ўтказиш режалаштирилган.

Унга қўйидаги футболчилар таклиф этилган: дарвозабонлар Алексей Поляков, Евгений Сафонов, химоячилар Бахтиёр Ашурматов, Андрей Фёдоров, Александр Хвастунов, Максим Усмонов, Камолддин Кенжаев, Февзи Давлетов, ярим ҳимоячилар Николай Ширинов, Андрей Аюпов, Виктор Карпенко, Баҳром Хайдаров, Ринат Байрамов, Андрей Власичев, ҳужумчилар Максим Шацких, Александр Гейнрих, Анвар Бердиев, Илхом Мўминжонов, Владимир Шишелов.


## «ФУТБОЛ» ЧАЙНВОРДИ



1. 2002 йил Ўзбекистон футбол чемпионатининг энг моҳир футболчиси.
2. Бир ўйинда учта тўп урган футболчи эришган ҳолат номи.
3. Сардор бошчилигидаги футболчилар гуруҳи.
4. Футбол ўйини оммалашган биринчи мамлакат.
5. «Олтин тўп» совриндори, машҳур дарвозабон.
6. Олий табақа футбол командаси.
7. Ғолибни аниқловчи сўнги ўйин.
8. Жаҳон футбол чемпионатини бошлаб берган ўйиндаги энг биринчи тўп муаллифи бўлган француз футболчиси.
9. Моҳир мураббий Саркисян командаси.
10. 2001 йил Ўзбекистон чемпионатининг энг моҳир тўпурари.
11. Бразилия терма командасида ўйнаган танили футболчилардан бири.
12. Тўпни ўйинга киритиш.
13. Ўйиннинг бир қисми.
14. Командалар ўртасидаги мусобақа.
15. Перулик танили тўпурар дарвозабон.
16. Футбол анжони.
17. Жарима тўпи.
18. «Футбол - қувон-

- чим, дардим, фахрим» асарини муаллифи, устоз шарҳловчи.
19. Италиядаги шаҳарга номдош команда.
20. Атоқли ўзбек футболчи тўпурари, мураббий.
21. Испаниядаги футбол командаси.
22. Футболчининг ўйин давомидаги ўзига хос ҳаракати намойиши.
23. IV Жаҳон чемпионати финалида Бразилия - Швеция ўйинини бошқарган ҳакам.
24. Ўйинда ҳисоб ўзгардирган ҳолат.
25. Бразилиялик футболчи, III Жаҳон чемпионати тўпурари.
26. Пеле ўйнаган машҳур команда.
27. Россиядаги танлиқ команда.
28. Футбол соврини.
29. Париж шаҳридаги стадион.
30. Халқаро футбол уюшмаси президенти.
31. 1982 йилда ўтган жаҳон чемпионати тўпурари, италиялик футболчи.
32. Европадаги давлат терма командаси, жаҳоннинг бир неча бор чемпиони.
33. Таниқли устоз, «Пахтакор»нинг собик мураббийи.
34. Франциядаги футбол командаси.
35. Қитъалараро кубок ғолиби бўлган команданинг мо-

## Турон якка кураши



## ҚИЗЛАР ЙИГИТЛАРДАН ҚОЛИШМАЯПТИ

Тўйга тўёна билан бориш халқимизнинг яхши одатларидан бири. Самарқанд шаҳрида ўтказилган Турон якка кураши бўйича Ўзбекистон чемпионати ҳам умумхалқ байрами Наврўзга бағишланди. Мусобақаларда Тошкент вилояти вакиллари муваффақиятли иштирок этдилар. Вилоят қасаба уюшмаларига қарашли 4-сон миллий спорт турлари БУСМ тарбияланувчиларидан ташкил топган жамоа ушбу нуфузли турнирда фахрли учинчи ўринни эгаллади. Феруза Расулова (55 кг), Файзулла Раҳимов (70 кг) ўз вазнларида Ўзбекистон чемпиони, Лайло Хусанова (50 кг), кумуш медал совриндори, Собир Норматов (75 кг), Шерзод Қодиров (95 кг), Шаҳноза Умарова (55 кг) бронза медали совриндорлари бўлдилар.

Айниқса, Файзулла Раҳимовнинг барча рақибларидан устунлиги ва жанг маҳоратининг юқорилиги мутахассисларда илиқ таассурот қолдирди. Энг қувончлиси, Турон якка кураши жанги санъатини эгаллашда қизлар ҳам йигитлардан қолишмаяпти. Масалан, Тошкент вилояти турончилари қўлга киритган 6 медалнинг 3 тасини қизлар қўлга киритишди. Лайло Хусанова финалда энгилди, кумуш медал билан кифояланганига қарамай томошабинларни ҳам, мутахассисларини ҳам ўзининг етук техник ижроси билан мамнун этди.

**С.ПҲЛАТОВ, Тошкент вилояти ҚУЖТСЖ меҳнаткашларни оммавий спортга жалб қилиш ва ташкилий ишлар бўлими мудир.**

- галланган ўйин. (6).
  5. «Арабат» командаси ташкил бўлган шаҳар. (6).
  6. Европадаги машҳур команда. (5).
  7. Қитъалараро кубок - 2002 ўйини бўлиб ўтган номдош шаҳар ва стадион. (8).
  8. «Реал» (Мадрид) командаси дарвозабони. (7).
  9. Бразилиялик моҳир тўпурар. (7).
  10. Футбол иншооти. (7).
  11. Мусобақалар ўтказишда қуръа ташлаш маросимлари бўлиб ўтган Европа шаҳри. (5).
- Энди шакл атрофидаги айланаларда берилган рақамларни жавоб сўзларини биринчи ҳарфлари билан алмаштириб муаммонани ҳал этинг. Бундан улардан Ўзбекистоннинг XX асрдаги энг моҳир футболчиси деб эътироф этилган тўпурарнинг исми шарифини билиб оласиз.
- Фозилжон ОРИПОВ тузди.**

**ISHONCH**

**Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ**

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

**Таҳрир хайъати:**  
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

**Телефонлар:**  
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлими 56-85-43.  
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди - 21.15

**E-mail:** ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

**Маълумот:** 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда.

**«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Тиражи: 21188 Буюртма Г— 201. 1 2 3 4 5 6